

ISSN 2181-9599



DoiJournal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
—————
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
—————
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

№7 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Джураева Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Ўтмишга назар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal Look to the past
Международный редакционный совет журнала Взгляд в прошлое

- 1. Кебадзе Мадонна** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 2. Бурдиашвили Майя** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 3. Кожакеева Ляззат Темирбековна** - тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси.
- 4. Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич** - тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети
- 5. Бобоҷонова Дилором Бобоҷоновна** - тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
- 6. Зияева Доно Ҳамидовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 7. Аширов Адҳам Азимбоевич** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 8. Агзамова Гулчеҳра Азизовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 9. Халикова Раҳбар Эргашевна** - тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети
- 10. Ишанходжаева Замира Раимовна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 11. Кобзева Ольга Петровна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 12. Одилов Аброр Анварович** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 13. Ерметов Аваз Абдуллаевич** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 14. Саипова Камола Давляталиевна** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 15. Джоробекова Айнура Эшимбековна** - тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrighiy Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА

- 1. Хайдаров Дилшод Очилович.**
ЗАРАФШОН ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИНИНГ УРБАНИСТИК ТАРКИБИ:
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.....4

- 2. Холмонова Феруза Ураловна.**
БОЙСУН БЕЗАКЛАРИНИНГ МАТОЛАРДАГИ АКЦИ.....11

- 3. Xudoyqulov To'umurod Bekmurodovich.**
AKADEMIK V.V.BARTOLDNING BUHORO YODGORLIKLARI
TAQDIRIGA MUNOSABATI.....16

- 4. Эгамбердиева Гузал Акрамжановна.**
МАДАНИЙ МЕРОС ВА “ИПАК ЙЎЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
БЕЛБОФИ”24

- 5. ЭргашеваХуснидаЭсоналиевна.**
ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ ВА НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
СОҲАСИДАГИ ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ.....34

- 6. Эсонов Зиёдбек Йўлдошевич.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИДА ПИЧОҚ ТАЙЁРЛАШ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ
АНЪАНАЛАРИ.....40

- 7. Эшбекова Дилафрўз Тўйчиевна.**
1920-1930 YILLAR O'ZBEKISTON DAVRIY MATBUOTIDA
KARIKATURALAR (GAZETALAR MISOLIDA).....49

- 8. Юлдашев Авазбек Арипжонович.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ РАҲБАР
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ.....56

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЗАРАФШОН ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИНИНГ УРБАНИСТИК ТАРКИБИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Хайдаров Дилшод Очилович,
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти

For citation: Khaydarov Dilshod. Urbanistic structure of Zarafshan economic region: comparative analysis. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 4-10.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-1>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада, фанлараро ёндашув асосида Зарафшон иқтисодий райони урбанистик жараёнлар таҳлил этилган. Хусусан, мустақиллик йилларида шаҳарлар ривожланиши муаммолари, урбанистик таркибидаги ўзгаришлар мамлакатдаги кўрсаткичлари билан қиёсийўрганган.

Калит сўзлар: урбанизация, демографик жараёнлар, худудий урбанистик таркиб, Зарафшон иқтисодий район, иқтисодиёт, инфратузилма, саноат, шаҳарлар.

УРБАНИСТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ЗЕРАФШАНСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЙОНА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

Хайдаров Дилшод Очилович,
базовый докторант
Самаркандский государственный университет

АННОТАЦИЯ

В статье, на базе междисциплинарного подхода проанализированы урбанистические процессы в Зарафшанском экономическом районе. В частности, на основе сравнительного подхода с республиканскими показателями изучены вопросы связанные с проблемами развития городов, их урбанистической структуры.

Ключевые слова: урбанизация, демографические процессы, региональная урбанистическая структура, Зарафшанский экономический район, экономика, инфраструктура, промышленность, города.

URBANISTIC STRUCTURE OF ZARAFSHAN ECONOMIC REGION: COMPARATIVE ANALYSIS

Khaydarov D.O.

doctorate student of Samarkand State University

ANNOTATION

In this article, analyzed the basis of an interdisciplinary approach as well as urban processes in the Zarafshan economic region. In particular, on the basis of a comparative approach with republican indicators, were studied issues related to the problems of urban development and their urban structure.

Key words: urbanization, demographic processes, regional urbanization, Zarafshan economic region, economy, infrastructure, industry, cities.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг, мамлакат ҳудудий тузилмасининг ўзагини ташкил қилувчи шаҳарлар тизимини такомиллаштириш, уларнинг мавжуд табиий, ишлаб чиқариш, ва илмий-техникавий салоҳиятидан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш долзарб масалалардан бирига айланди. Бинобарин, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши шаҳарлар тури ва тизими билан чамбарчас боғланган. Шу боис, янги иқтисодий муносабатлар шароитида республика урбанистик таркибидаги ўзгаришлар ва шу билан бирга, жаҳон урбанизациясининг мамлакатга хос жиҳатлари ҳамда таъсирини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳар бир мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти энг аввало унинг урбанистик ва ҳудудий урбанистик таркибида ўз аксини топади. “Ҳудудий урбанистик таркиб” [1] тушунчасини фанга таниқли олим И.М.Маергойз тамонидан киритилган бўлиб, у турли минтақаларда

шаҳарлар тўри, хусусан катта шаҳарлар қай тарзда шаклланган ва ривожланганлиги билан боғлиқ.

Республика минтақалари урбанистик таркиби, ўзининг генетик хусусияти, функционал типлари ва катта-кичиклигига кўра фарқланади. Жумладан, мустақиллик арафасида мамлакатда жами 123 та шаҳар ва 104 та шаҳарчалар мавжуд эди (урбанизация даражаси – 40,8 фоиз). 1992 йилга келиб республика геоурбанистикасида ўзига хос вазият юз берди. Мазкур йилда Ўзбекистон урбанистик тизими 17 та шаҳар манзилгоҳларига кенгайди. Уларга Жиззахда – Зарбдор ва Зафаробод, Самарқандда – Мирбозор, Сирдарёда – Дўстлик, Тошкентда – Янги Чиноз, Қашқадарёда – Нуристон, Қорақалпоғистонда – Акшалок ва Қозонкеткен шаҳар манзилгоҳлари киради[2,28]. Шу йили сустрбанизациялашган Сурхондарёда шаҳарлар тўри 5 та (Ангор, Дўстлик, Сарик, Хуррият ва Элбаён)га ортди ва бу минтақада замонавий транспорт ва бошқа инфратузилмаларнинг ривожланиши билан изоҳланди. Аксинча, Хоразм вилоятидаги Гурлан, Хонқа, Шовот ва Хазорасп каби шаҳарлар, шаҳарчалар қаторига тушиб қолди. 1994 йилга келиб Самарқанд вилоятидаги Пайариқ, 1995 йилда эса Бухоро вилоятидаги Шофиркон туман марказлари сифатида шаҳар мақомига эга бўлди[3,16]. Айтиш жоизки, 2000 йилдан янги урбанистик ислохотлар давригача атиги 2 та шаҳарча вужудга келди, холос. 2004 йилда қадимий Кармана Навоий шаҳридан ажратилиб шаҳарча сифатида рўйхатга олинди.

Шу йилда Қорақалпоғистоннинг иккита шаҳарчаси Қизкеткан ва Пристанский унинг пойтахти таркибига бирлаштирилди. Кўнғирот туманида Элобод шаҳарчаси ташкил топганидан сўнг Ўзбекистон шаҳарлар географиясида ўзгариш қайд этилмади (2005 й.).

Янги аср бошига келиб, республика ҳукумати томонидан урбанистик тизимни такомиллаштириш бўйича ислохотларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлда “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[4] қарори қабул қилинди. Шунингдек, 2009 йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши билан қишлоқ жойларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилмавий салоҳиятини юксалтириш, асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Қишлоқларда замонавий инфратузилма тизимини барпо этиш, бу жойларга саноатни олиб кириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини яхшилаш, урбанизациянинг ичкаридан, ўзига хос «яширинча» ривожланишини англатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартда “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига [5] мувофиқ мамлакатимиз шаҳарлар географияси 965 тага кўпайди. 2016 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[6]ги қарорлари шулар жумласидандир.

2009 йилдан кейинги даврда республика ва унинг минтақаларида шаҳарлар тўри ва тизимининг шаклланиши, урбанизация жараёни ўзгача тус олмоқда (1-жадвал). 2015 йил маълумотларига биноан Ўзбекистон Республикасининг 50,6 фоиз аҳолиси шаҳар жойларида истиқомат қилган. Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда урбанизациянинг умумий кўрсаткичи охириги 10 йил мабойнида (2009-2018 йй) урбанизация даражаси 51,7 фоиздан 50,6 фоизга камайди. Айниқса, Хоразм (33,3%), Сурхондарё (35,5%), Бухоро (37,4) ва Самарқанд (37,4) вилоятларида урбанизация даражаси пасайди. Урбанизация даражасининг ўзгариши ҳудудлар иқтисодиётининг ихтисослашуви, шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг ривожланиши, янги шаҳар манзилгоҳларининг пайдо бўлиши, аҳолининг табиий кўпайиши, шунингдек ташқи миграция каби омилларга боғлиқ ҳолда кечади.

Айни пайтда республикадаги энг урбанизациялашган минтақа Наманган вилояти ҳисобланади. Шунингдек, Фарғона (57,0 %) ва Андижон (52,5 %) вилоятларида ҳам шаҳар аҳолисининг салмоғи республика ўртача кўрсаткичидан анча баланд. Урбанизация даражаси мамлакат кўрсаткичидан паст минтақаларга Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари мансуб. Шу нуқтаи назардан ёндашганда айрим минтақаларнинг янги урбанистик салоҳияти (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий) реал вазиятни ўзида акс эттирмайди [7].

Республикада 2009 йилдаги урбанистик ислоҳатлардан сўнг 1199 та шаҳар манзилгоҳлари қайд этилган. Уларнинг 966 таси янги ташкил этилган шаҳарчаларга мос келади. Албатта, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш салоҳияти аграр хусусиятга эга эканлиги билан кўзга ташланади. Агрошаҳарчаларнинг ҳудудий таркибида Фарғона (196 та), Қашқадарё (119 та), Сурхондарё (107 та) ва Наманган (109 та) вилоятлари юқори поғоналарни эгаллайди[5].

1-жадвал

Зарафшон иқтисодий зонасида шаҳар манзилгоҳлари ва урбанизация даражасидаги ўзгаришлар (аҳоли сони, минг киши)[7]

Минтақалар	2008 йил			2009 йил			2015 йил		
	шаҳарлар	шаҳарчалар	урбанизация даражаси, %	шаҳарлар	шаҳарчалар	урбанизация даражаси, %	шаҳарлар	шаҳарчалар	урбанизация даражаси, %
Ўзбекистон Республикаси	119	114	35,8	119	1080	51,7	119	1085	50,6
Вилоятлар:									
Бухоро	11	2	29,2	11	62	38,8	11	69	37,9
Навоий	6	8	39,5	6	38	49,6	6	47	49,1
Самарқанд	11	12	25,1	11	88	37,4	11	88	38,0

Айтиш жоизки, шаҳарлар тизимининг мураккаблашуви, уларнинг иерархиясини (поғонаси) аниқлаш, шаҳарлар ўртасидаги вазифаларнинг (функцияларни) тақсимланишига ҳам олиб келади. Мамлакат урбанизациясининг ўзига хос жиҳати шаҳарлар занжирида кичик шаҳарлар сонининг кўплиги билан изоҳланади. Республика иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги сабабли геоурбанистиканинг 4/5 қисмидан кўпроғини кичик шаҳарлар ташкил этади. Янги урбанистик ислоҳатлар натижасида қабул қилинган шаҳарларни аксарияти майда шаҳарлар бўлгани боис, мазкур тоифадаги шаҳарларнинг салмоғи яна ортиб кетди. Буни Зарафшон иқтисодий райони мисолида ҳам кузатиш мумкин (2-жадвал).

2015 йилда 1091 та кичик шаҳарлар бўлиб, уларда республика шаҳар аҳолисининг 37,8 фоизи истиқомат қилган. Ўрта босқичдаги шаҳарлар сони 20 тани ташкил этиб, жами шаҳар манзилгоҳларнинг 1,6 фоизига мос келади. Республикада йирик шаҳарлар сони 6 та (Самарқанд, Наманган, Андижон, Қарши, Нукус, Фарғона), катта шаҳарлар 11 та, “ярим ўрта” шаҳарлар 75 тани ташкил этади. Ҳозирда йўл мустақиллигини таъминлаш борасида, Халқаро логистика маркази (Ангрен МИЗ), Жиззах махсус индустриал зонаси ҳамда “Навоий” эркин индустриал зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимиз шаҳарлар географиясининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан 2001 йил Учқудуқ-Султонувайс-Нукус, 2007 йил Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўллариининг фойдаланишга топширилиши мамлакат темир йўл тизимини мустақил яхлит тузилма сифатида шаклланишига имкон берди. Асосийси ушбу ҳудудларда жойлашган Навоий, Учқудуқ, Халқобод, Фузор, Деҳқонобод, Бойсун, Қумқўрғон,

Мискин каби шаҳар манзилгоҳларнинг ўсиш кутб ва марказлари сифатида транспорт географик ўрни янада яхшиланди.

2-жадвал

**Зарафшон иқтисодий районининг ҳудудий-урбанистик таркиби
(2015 ҳолатида, минг киши)***

Худудлар	Кичик шаҳарлар			Ярим ўрта шаҳар*			Ўрта шаҳар			Катта шаҳар			Йирик ва миллионер шаҳар		
	Сони	аҳоли си	%	Со ни	аҳоли си	%	сон и	аҳоли си	%	сон и	аҳоли си	%	сон и	аҳоли си	%
Ўзбекистон Республикаси	1091	5962,5	37,8	75	2155,6	13,6	20	1302,3	8,2	11	1764,3	11,2	7	4563,3	28,9
Зарафшон иқтисодий райони	212	969,0	39,3	13	366,3	14,8	4	262,8	10,6	2	379,8	15,4	2	486,0	19,7
Бухоро вилояти	76	303,6	44,7	2	66,4	9,7	1	58,9	8,6	1	249,5	36,7	1	486,0	9,5
Навоий вилояти	48	171,7	38,2	3	81,5	18,1	1	65,0	14,4	1	130,3	29,0	-	-	-
Самарқанд вилояти	88	493,7	36,9	8	218,4	16,3	2	138,9	10,3	-	-	-	1	486,0	36,3

*Изоҳ: аҳолиси 20–50 минг кишилиқ шаҳарлар

Кўрилган чора-тадбирлар ва амалга оширилган ишларга қарамасдан урбанизация даражаси бўйича республика жаҳонда тутган ўрни юқори эмас. БМТ халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон 2018 йил ушбу йўналишда 233 мамлакат орасида 155-ўринни эгаллади. Ваҳоланки, бу соҳада дунёдаги ўртача кўрсаткич 55,3 фоиз бўлиб, у Россияда 74,4 фоизни, Туркияда 75,1 фоизни, Туркменистонда 51,6 фоизни ташкил этади[8].

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарлар ривожланиши биров секинлашган бўлса-да, кейинги “урбанистик тўлқин” туфайли шаҳар аҳолисининг салмоғи 1991 йилга нисбатан 2018 йилда деярли 10 фоизга ўсди. Бундай ўсиш суьратларига асосан маъмурий ўзгаришлар, яъни 2009 йилда мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар поселкаларига айлантириши ҳисобига эришилди. Республикамизда шаҳарлар географиясини ривожланишида урбанистик ислохотлар, ташкил этилган ва ташкил этилаётган “Эркин иқтисодий зоналар” муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Маергойз И.М. Территориальная структура хозяйства. — Новосибирск: Наука, 1986.

2.Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Истори-ко-демографические очерки урбанизации Узбекистан. – Т.,2002. – С.28.

3.Мавлонов А.Чўл урбанизацияси. – Тошкент, 2015.–Б. 316.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлда “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-120-сонли қарори// Lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сонли фармони// Lex.uz

7. ЎзР Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.2015 йил

8.Аҳмедов Т. Урбанизация дастури: мақсад ва вазифалари кутилаётган натижалар. Ўзбекистон овози, 2019 йил 19 февраль.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БОЙСУН БЕЗАКЛАРИНИНГ МАТОЛАРДАГИ АКСИ

Холмонова Феруза Ураловна,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

For citation: Holmonova Feruza. Boysun decorations in fabrics. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 11-15.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-2>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бойсунда ҳунармандчиликнинг ниҳоятда кенг ривожланган тармоғи каштачилик ҳақида сўз бориб, аҳоли орасида каштачилик буюмларидан сўзаналар, палаклар, зардеворлар, парпўшлар, бўғжомалар, сандалпўшлар, ёстиқжилдлар, болинпўш ва лўлаболиш зўр маҳорат билан тикилганлиги ёритилган.

Шунингдек, дунёга донғи кетган Бойсун гулдўзи дўппиларининг каштачилик асосида тикилганлиги ҳамда жойномоз, белқарс, чойхалта, ойнахалта, тузхалта, тўрва, сочиқ, рўмолчалар ҳам каштачиликнинг нозик сирлари билан безалганлиги мисоллар билан очиб берилган.

Бундан ташқари, мақолада Бойсунда каштачилик билан боғлиқ тарихий манбаларга ҳам урғу берилган бўлиб, каштачиликнинг асосан қадимги шарқ халқларида кенг тарқалганлигига эътибор берилган ҳамда кашта сўзининг этимологияси ҳам ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Бойсун, ҳунармандчилик, тармоқ, каштачилик буюмлари, сўзаналар, палаклар, зардеворлар, парпўшлар, бўғжомалар, сандалпўшлар, ёстиқжилдлар, болинпўш ва лўлаболиш.

ИЗОБРАЖЕНИЕ БАЙСУНСКИХ УКРАШЕНИЙ В ТКАНИ

Холмонова Феруза Ураловна,

Термезский государственный университет

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о широко распространенном в Байсуне, вышивке каштачилик, с помощью которой местные умельцы создают сюзаны, палакы, зардеворы, парпушы, бугжомы, сандалпушы, ёстикжилды, болинпушы и лулаболишы.

Примерами, которые тесно связаны с каштачилик, являются всемирно известные цветочные тюбетейки Байсуна, также связанные с этой вышивкой, жойномоз, белкарс, чойхалта, ойнахалта, тузхалта, турва, сочик, румолча.

Кроме того, в статье дается анализ исторических источников, связанных с вышивкой каштачилик, которая широко используется у древних восточных народов, и описывается этимология терминов связанных с вышивкой.

Ключевые слова: Бойсун, мастерство, создание сетей, вышивка, сюзане, пальмы, парикмахеры, попугаи, теленок, солнцезащитные очки, наволочки, колики и мед.

IMAGE OF BAYUSIAN DECORATIONS IN FABRIC

Xolmonova F.U.

Termiz state university

ANNOTATION

This article can give information about embroidery which is one of the developed craftsmanship in Boysun. Among the local people from craftsmanship fabrics embroidered suitcases, ladies' garlands, parpos, bugs, sandals, pillows and bolts are skillfully crafted.

There are also examples of famous Boisun's star skullcaps were decorated with embroidery, and the rugs, chestnuts, kettles, glass balls, scarves, bags, towels and handkerchiefs were embellished with the embellishments of embroidery.

In addition, the article emphasizes the historical sources of embroidery, emphasizing the prevalence of embroidery, mainly, in ancient eastern nations, and the embodiment of embroidery.

Key words: Boysun, craftsmanship, networking, embroidery, suzane, palms, hairdressers, parrothes, calfs, sunglasses, pillows, colic and honey.

Бойсун аҳолиси амалий санъатнинг яна бир муҳим тармоғи бадий тўқимачилик ва каштачилик саналади. Бойсун аҳолисининг каштачилик буюмларига сўзаналар, палаклар, зардеворлар, сандиққа тахланган кўрпалар устига мўлжалланган парпўшлар ёки бўғжомалар, сандал устига ёпиладиган сандалпўшлар, ёстиқжилдлар, болинпўш ва лўлаболишлар киради.

Бундан ташқари жойномозлар, белқарслар, чойхалталар, ойнахалталар, тузхалталар, тўрвалар, сочиқлар, рўмолчалар ҳам кашталар билан безалган. Шунингдек Бойсун гулдўзи дўппилари ҳам каштачилик асосида тикилган. Бойсун аҳолисининг кийимларидаги жияклар ва чирозлар ҳам кашталар билан безатилган.

Бойсунда каштачилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, милoddан олдинги манбаларда Паретака ва Бубакенани ҳудудларида олиб борилган тадқиқотларда каштачилик билан боғлиқ тарихий манбалар топилди. Каштачилик асосан қадимги шарқ халқларда кенг тарқалган бўлиб, кашта сўзининг маъноси аслида форсча- (“чизилган-тортилган”) бўлиб, амалий безак саънатига асосланиб, игна билан тикилган гул, тасвир, нақш деган маънони билдиради.

Кашта махсус чеварлар томонидан қулда игна-илмоқли игна, чит, сатин, шойи, баҳмал, мовут ва чарм- этик, маҳси, пичоқ қини, камар, от жабдуқлари ва бошқа қимматли эъзозли буюмларга тикилган. Каштани шаклантиришда жун, пахта, ипак, зиғир табиий ва сунъий иплардан ҳамда металл (тилло, кумуш, бронза, мис) буюмларга ишлов беришда фойдаланиб келинмоқда. Кашта буюмларини палак, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, кирпеч, дорпеч, зардевор кабилар ташкил этади.

Кашта солиш учун чеварлар сатин матоларини асос қилиб олишган айрим ҳолларда эса асос сифатида шойи матоларидан ҳам фойдаланилган. Кашта иплари эса кўпинча пахта ва ипак иплардан тайёрланган ипларни бўяшда табиий бўёқлардан фойдаланилган. Бойсун каштачилигининг нақш услубида асосан ўсимликсимон ва геометрик нақшлар, баъзан уларга қўш ва ҳайвон тасвири ҳам қўлланилган.

Сўзаналар ўзида коинот, табиат, бахт ва севги тушунчаларини ифодаловчи хушманзара полотнолардир. Сўзаналар сатҳида воҳа чеварлари тасаввурларидаги дунё акс этган. Сўзаналарнинг ҳажми бўйича 1,5 метрдан 2 метргача узунлиги 2 метрдан 4 метргача бўлган. Ҳамма сўзаналар “меҳробгул” номли жингалак нақшлар туширилган кенг ҳошиялар билан ўраб олинади. Ташқи ҳошиялар эса “оба” (сув) номли тўлқинсимон нақшлар билан безатилади. Асосий майдонда тўпбарггул шаклидаги безак туширилган. Марказда асосан ой ва қуёшни

ифодалайдиган катта айланалар жойлашган. Ушбу айланалар сони 1 тадан 8 тагача бўлади. Акс эттирилган сайёралар ой деб аталади. Лекин сайёралар катта ой, панжа ой ва кичик ойларга ажратилади. Сайёраларнинг марказида унинг негизини ҳосил қилувчи тўпбарггул туширилади. Унинг атрофини бир неча рангли тўпбарггуллар ўраб олади. Сайёралар орасида “бодомгули”, “лолагули” мингари гуллар, ўсимликлар баъзан эса шохларга қўнган қалдирғоч ва булбулларнинг услублаштирилган турли нақшлари солинади.

Зардеворлар деворга осиш учун тикилади. Зардеворлар хонанинг кўндаланг ва бўйлама деворларининг устки қисмини безаб турган зардеворларнинг нақшлари ҳам кўпинча сўзаналар нақшини такрорлайди. Зардеворларнинг кўндаланг тасмалари 2 метрдан 3-4 метргача бўйлама тасмалари 3 метрдан 4-6 метргача бўлган. Эни эса 50-90 см га етган. Зардеворлар кигиз ўтовларни ҳам безаб турган.

Амалий безак санъатининг муҳим турларидан яна бири гиламдўзлик саналади. Гилам тайёрлаш учун қўй жуни ёки пахтадан тайёрланган иплар ишлатилади. Гилам қилиш учун асосан баҳорги жун ишлатилади. Чунки баҳорги жун узунроқ ва юмшоқроқ бўлади. Кузги жундан эса кигиз босилади. Чунки кузги жун мастаҳкамроқ бўлади. Бойсунда туксиз гилам кўп тўқилади. Бундай гилам турлари қоқма гилам деб номланади. Қоқма гилам дастгоҳи тарновой бўлиб ерга қурилади. Қоқма гиламлар йўл-йўл ранглардан иборат бўлиб, узунасига тўқилади. Сўнгра кесилиб “туморча тикиш” орқали бир-бирига бириктирилади. Қоқма гиламнинг “чимчиқи”, “кўрчимчиқи”, “бибишак”, “шойи”, “ғажари” каби турлари кўплаб тўқилади. Қоқма гиламларда 10 тагача тахт чизиқлари бўлиши мумкин. Қоқма гиламларнинг устки ва остки томонлари бир хил бўлади. Тўқиш техникаси мураккаб бўлиб, нақш солиб тўқиладиган гилам тури терма гилам ёки тукли гилам деб аталади. Тақир гиламларни бир вақтнинг ўзида икки-уч киши тўқиши мумкин. Тақир гиламларнинг “Кўчқор майиз”, “Имом Султоний”, “терма”, “Туя бўйин”, “Кўл солди”, “Оқ енли” каби турлари мавжуд. Воҳа аҳолиси бадий безак санъатида Напрамач ва бўғжомалар ҳам муҳим ўрин тутди. Напрамачларнинг нақши — тукли олд томонда саккиз бурчакли ёки тўртбурчак шаклида иккита йирик медалон унинг фониди ўткир ромблар ёки Х симон шакллардан иборат. Напрамачлар тўқилган сандиқлар бўлиб, улар турли буюмларни солиш учун ишлатилган. Воҳа гиламдўзлигида эшик халта, қошиқ халта, бўғжома (уй-рўзғор буюмларини ўраб қўядиган тўқима полотно) хуржун, дастурхон, дигил ёпгичлар киради.

Бўғжомалар кўпинча тайёр матодан тайёрланиб ип ва ипак иплар билан нақш солинган. Бўғжомаларга асосан шохсимон, ромбсимон,

зинасимон гажак нақшлар билан безак берилган. Кигиз жундан тўқилган гилам бўлиб турли мақсадларда ишлатилган. Жумладан ерга тўшама—гилам сифатида, ўтовларга ёпинчиқ сифатида тўрлик, жабдуқ ва от эгарларини ёпгич сифатида баъзан кийим сифатида фойдаланишган кигиз босиш кўпроқ кўчманчи халқларга хос. Дастлабки кигиз қолдиқлари Олтойдаги Позирик қўрғонидан топилган. Кигиз ишлаб чиқариш технологияси жуда оддий ва асрлар оша ўзгаргани йўқ. Кигиз ишлаб чиқариш усулига кўра 2 хил бўлади. Биринчиси гулсиз оддий кигизлар. Иккинчиси гулли кигизлар, Гуллик кигизлар такиямат ёки таки наMAT ҳам деб аталади. Бойсунда кигизнинг “туғдонагул”, “тақиргул”, “туғма бақа”, “гажакгул”, “гултайлама”, “қирқдонагул”, “шоҳмола”, “қирдўнгил”, “олтидўнгил” каби турлари кўп тайёрланган. Бойсун аҳолисининг амалий безак санъатида қуроқчилик ҳунари ҳам муҳим ўрин тутди. Кўрпалар ва ёстиқлар мато қолдиқларидан қуроқ асосида бир-бирига бириктириб ажойиб шакллар ҳосил қилинади. Бойсунда қуроқнинг “турнақуроқ”, “олмақуроқ”, “пичоқ учи”, “қирққўз” каби турлари кенг тарқалган. Бойсун аҳолисининг амалий безак санъатида ойнахалталар ҳам мавжуд. Ойнахалталар асосан уйларнинг деворларини ҳамда ўтовларни безашда қўлланилади. Ойнахалталар қуроқли, каштали ва сочоқли қилиб тикилади.

Умуман, Бойсун аҳолисининг табиий истеъдоди ва катта меҳнати туфайли пайдо бўлган ажойиб амалий санъат ёдгорликларини аждодаларимиз яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарларининг намуналари жаҳон маданиятига қўшган зўр ҳиссаси деса бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бўриев.О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. —Самарқанд, 2008.—Б.243.
2. Этнографические очерки материальной культура узбеков. (конец. XIX- начала XX вв.). —Тошкент, 1981.
3. Этнографической изучение быта и культура узбеков. —Тошкент, 1962.
4. Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения а Средней Азии в XIV-XV вв. —Душанбе, 1966.
5. Сувонова У. Сурхондарё ҳунармандчилиги. —Тошкент: Муҳаррир. 2010.31.б.
6. Саттор М. Ўзбек удумлари. —Тошкент, 1993.
7. Турсунов С.Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти — Сурхондарё этнографияси. —Тошкент, 2006
8. Турсунов С.Н. Бойсун. —Тошкент: Akademhashr, 2011. 551 б.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

AKADEMIK V.V.BARTOLDNING BUXORO YODGORLIKLARI TAQDIRIGA MUNOSABATI

Xudoyqulov To'ymurod Bekmurodovich,
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali o'qituvchisi

For citation: Khudoykulov To'murod. The attitude of academician V.V. Barthold to the fate of the Bukhara monuments. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 16-23.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-3>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada sharqshunos, tarixchi olim, akademik V.V. Bartoldning XX asr boshlaridagi Buxoro yodgorliklari ahvoliga munosabati tahlil qilinadi. Buxoroning eski shahar qismida, 1920-yilgi rus bosqinidan talofat ko'rgan tarixiy binolarini saqlab qolish borasida, V.V. Bartold tomonidan rus hukmron doiralariга murojaati sintez qilinadi. Shuningdek, V.V. Bartoldning yodgorliklarga nisbatan bildirgan munosabatidan kelib chiqib, hamda talofat ko'rganlik darajasiga qarab yodgorliklar tavsiflanadi. Mavzu yuzasidan taklif va tavsiyalar berladi.

Kalit so'zlar: Akademik V.V. Bartold, O'rta Osiyo, Buxoro yodgorliklari, sharqshunoslik, mahalliy manbalar, shahriston, registon, ark.

ОТНОШЕНИЕ АКАДЕМИКА В.В.БАРТОЛЬДА К СУДЬБЕ БУХАРСКИХ ПАМЯТНИКОВ

Худайкулов Туймурод Бекмурадович,
учитель Бухарский филиал Ташкентского института
инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется состояние памятников Бухары в начале 20 века и отношение к ним востоковеда, историка, ученого, академика В.В.Бартольда. В старом городе Бухары, чтобы сохранить историческое здание, поврежденное русским нашествием 1920 года, В. В. Бартольд обратился к российским властям. А также описывается памятники в зависимости от степени повреждения и из-за отношения В.В.Бартольда к памятникам. По теме будут даны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: академик В.В.Бартольд, Центральная Азия, бухарские памятники, востоковедение, местные источники, шахристон, регистан и арк.

THE ATTITUDE OF ACADEMICIAN V.V.BARTHOLD TO THE FATE OF THE BUKHARA MONUMENTS

Khudoykulov T. B.

Teacher of Bukhara branch of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

ANNOTATION

This article analyzes the state of the monuments of Bukhara at the beginning of the 20th century and the attitude of the orientalist, historian, scientist, academician V.V. Barthold. In the old city of Bukhara, to preserve the historical building, damaged by the Russian invasion of 1920, V.V. Barthold appealed to the Russian authorities. And also describes the monuments, depending on the degree of damage and because of the attitude of V.V.Bartold to the monuments. On the subject will be given suggestions and recommendations

Key words: academician V.V.Bartold, Central Asia, Bukhara monuments, oriental studies, local sources, shakhriston, registan, ark.

Mustaqilligimizning dastlabki yillaridan madaniy merosimizning ajralmas qismi bo'lgan tarixiy yodgorliklarga nisbatan e'tibor yangicha ko'rinish tus oldi. Mamlakatimiz va jahon mutassadi tashkilotlari tomonidan tarixiy yodgorliklarni muhofaza etish, ularning asl qiyofasini tiklash, umuman olganda, moddiy-madaniyat yodgorliklariga ehtiyotkorona munosabat ko'rsatish bugungi kunda ham yuqori darajada davom etmoqda. Shu asnoda qadimiy va navqiron shaharlarimizdan biri bo'lmish Buxoro tarixiy yodgorliklari ham tadqiqotchilar tomonidan o'rganilishi va ularning

yodgorliklarga nisbatan bildirgan munosabatini tahlil etish zaruriy ahamiyat kasb etadi. Buxoro tarixiy yodgorliklari asl holatini qayta tiklash, ularni uzoq o'tmish qa'ridan kelajak avlodga benuqson yetkazib berish kabi zalvorli vazifaning o'zi bu boradagi tadqiqotlarning dolzarblik ahamiyatini oshiradi.

Bag'rida 500 ga yaqin betakror yodgorliklarni saqlab kelayotgan Buxoro vohasi qadim tarixdan sayyohlar, yozuvchilar, muarrixlar nigohini o'ziga jalb qilib kelgan. E.Eversmann[12], N.Xanikov[26], P.Shubinskiy[25], V.V.Bartold[8], O.A.Suxareva[19,20,21], L.Rempel[18], B.V.Lunin[13], Y.Nekrasova[15], H.To'rayev[23] kabi mualliflarning ilmiy tadqiqotlarida mazkur mavzu doirasida qimmatli ma'lumotlarni uchratish mumkin.

XIX asr oxiri-XX asr boshlarida O'rta Osiyoni, xususan, Buxoroni o'z izlanishlari markaziga aylantirgan sharqshunos olim, dunyo e'tirof etgan tarixchi akademik V.V.Bartold(1869-1930)ning Buxoro yodgorliklari tarixini tadqiq qilish borasidagi mehnatlari beqiyos.

Akademik V.V. Bartold XIX asr oxiri-XX asr boshlaridagi murakkab siyosiy vaziyatda Buxoro tarixiy yodgorliklari ahvoliga nisbatan zarur munosabat bildirishi bilan qadimiy Buxoro shaharsozligi va yodgorliklarining saqlanib qolish taqdiriga xolisona yordam ko'rsatadi.

V.V.Bartold asarlarida yozib qoldirar ekan, Buxoro shahrining boshqa O'rta Osiyo shaharlariga o'xshamaydigan jihatlari ko'pligini ta'kidlaydi: "Buxoro Markaziy Osiyoning boshqa katta shaharlaridan farq qiladi. Chunki u arablar bosqiniga qadar bo'lgan o'rnini hozirgacha saqlab qolgan"[8,280]. Muallif boshqa asarlarida ham ushbu mazmundagi fikrni bir necha bor takrorlaydi. Shu o'rinda Buxoro va Samarqand shaharlarining tarixiy joylashuv o'rnini taqqoslasak. Samarqandning markazi VIII asr o'rtalariga qadar shaharning shimoli-sharqiy qismida joylashgan Afrosiyob shahri qoldiqlari o'rnida bo'lgan va ma'lum sabablarga ko'ra keyingi davrlarda shaharning markaziy o'rnini o'zgargan.

Buxoro shahri esa V.V.Bartold ta'kidlaganidek, ilk paydo bo'lgan o'rnini hozirgi kunga qadar o'zgartirmagan. Akademik V.V.Bartold Buxoro shahrining joylashuvi va tarixda ko'p marta bosqinlarga qaramasdan o'z o'rnini o'zgarmaganligini ijobiy baholaydi.

Bu haqidagi fikrni qayd etishda V.V.Bartold Narshaxiy ma'lumotlariga tayanadi. XX asr boshlarida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar esa buni oydinlashtiradi[2].

XIX asr oxiriva XX asr boshlarida ham Buxoro amirlarining qarorgohi Ark qal'asida edi. Qal'aning sharqiy darvozasi tomonidagi tepalikda joylashgan birinchi aholi manzilgohi bu-shahristondir. Shahriston maxsus balandlikda joylashgan bo'lib, arablar fathiga qadar bir necha mahallalarni o'z ichiga olgan. IX asrga kelib esa, shahar o'n bir darvozali devor bilan o'ralgan.

Shaharning ayni shu qismi turli davrlardagi bosqinlar va yong'inlardan eng ko'p zarar ko'rgan. Shahar joylashuvi borasidagi ushbu qarashlarini V.V.Bartold o'zi bilan zamondosh arxeolog va mahalliy kuzatuvchilar ma'lumotlari asosida tadqiqotlariga kiritgan.

Tadqiqotchi V.V.Bartold fikrlarini ma'qullagan holda Buxoro shahrining eng ko'p yodgorliklar saqlanib qolgan hududini uch qismga ajratish mumkin.

a) hukmdorlar qarorgohi bo'lgan (IV asrdan XX asr boshlarigacha) Ark qal'asi;

b) Registon maydoni va atrofi bo'ylab (massivda) joylashgan qadimiy binolar;

c) shaharning ichki qismi bo'lgan-shahriston, Poyi Kalon ansambli va Labi hovuz majmuasi bo'ylab joylashgan qadimiy inshootlar.

Shaharning o'n bir darvozali devor bilan o'ralgan holati IX asrdan XX asrga qadar saqlanib qolganini V.V.Bartold alohida ta'kidlaydi. Shahar darvozalari haqidagi ma'lumotlarni V.V.Bartold Narshaxiy va Istaxriy asarlariga tayangan holda keltiradi.

1920 yilgi rus bosqiniga munosabat bildirar ekan, V.V.Bartold Buxoro shahrining uzoq o'tmishdan buyon o'zgarmaga tarixiy topografik ko'rinishiga katta zarar yetganini qayd etadi. Ayniqsa, Ark, Registon, Shahriston, mo'g'ul bosqinidan oldin bunyod etilgan Minorai Kalon eng ko'p talofat ko'rganini yozib qoldiradi.

V.V.Bartold qizil armiya bosqinidan talofat ko'rgan Buxoro me'moriy obidalari holatiga tahliliy munosabat bildiradi. Jumladan shahar binolarining bunyod etilgan davri va saqlanish holatiga qarab guruhlarga ajratadi. Shuningdek, V.V.Bartold yodgorliklarning zarar ko'rganlik darajasi borasida ham o'z qarashlarini qayd etadi V.V.Bartoldning ushbu tahliliy yondashuviga hamohang tarzda Buxoro yodgorliklarining bunyod etilgan vaqti va saqlanish holatiga ko'ra tasniflab chiqamiz:

-shaharning markaziy qismida X asrda qurilgan maqbara va masjidlar (juda katta qismi yo'qotilgan);

-XII asrda hukmdorlar tomonidan qurilgan minoralar (deyarli barchasi yo'qolgan, faqat, Minorai Kalon saqlangan);

-XIII asrda qurilgan binolar (bu davrda qurilgan barcha binolar izsiz yo'qolgan);

-XIV-XV asrda bunyod etilgan binolar (juda katta qismi rus bosqinidan zarar ko'radi va ma'lum qismi saqlanib qolgan).

V.V.Bartold Otamalik Juvayniyning ma'lumotlariga tayangan holda XIII Buxoro jonli qurilishlar maydoni bo'lganini qayd etadi. Ammo shunday bo'lishiga qaramasdan bu davr binolarining ayovsiz yo'qotilganini olim afsus bilan qayd etadi.

Buxoroda saqlanib qolgan yodgorliklarining aksariyati xonliklar hukmronligi davrida bunyod etilgan. Buxoroning oxirgi amirlari qurdirgan saroylar, elchixonalar, Yevropa va yarimyevropa tipidagi inshootlarning barchasi yaxshi saqlangan. Chunki bu turdagi binolar asosan shaharning chekka hududlarida barpo etilgan va qizil armiya hujumidan zarar ko'rmagan. V.V.Bartold asarlarida mazkur talqindagi qarashlar mavjud.

Akademik V.V.Bartold Buxoro yodgorliklarining zarar ko'rgan holatiga o'z munosabatini bildiradi. Olimning bu borada quyidagicha fikri mavjud: "1920-yilgi rus bosqinidan so'ng shahar hech qanday najot topmadi. Qadimiy buxoroliklar uchun bu katta yo'qotishdir". V.V.Bartold yashagan davr siyosiy nuqtai-nazaridan shu talqinda fikr bildirishini jasorat deyishimiz mumkin. Nima uchunki, tarixiy haqiqat oldida mahalliy aholi uchun bu katta yo'qotish hisoblansa-da, mustamlakachi rus hukmron doiralari uchun g'alaba belgisi edi.

Xuddi shu vaziyatda, rus fuqarosi bo'lmish tadqiqotchi V.V.Bartoldning vayronkorlik harakatlarini tahliliy baholash munosabatiga e'tibor qaratamiz:

"Moskvadan kelgan sharqshunoslik ilmiy jamiyatining vakillari "Oq xavf" to'g'risida yozishadi. "Oq xavf" shuki, Toshkent va Buxoro kabi shaharlarning qadimiy binolarini izsiz yo'q qilishga qaratilgan maxfiy rejalar asosida ish yurituvchi maxsus harakatdan iborat. Bundan maqsad qadimiy shaharlarning qiyofasini Yevropa turidagi shaharsozlik ko'rinishiga o'zgartirish". [8,281]

Bu kabi qarashlarni yo'qlab chiquvchilarning soni tobora ko'payib sovet hokimiyati boshqaruvni qo'lga olayotgan bir davrda Buxoro tarixiy binolarining ahvoriga befarq bo'lmagan V.V.Bartold holat yuzasidan rus hukumatiga murojaat qiladi. Olim o'lka yodgorliklarini asrab qolish borasida qator takliflar bildiradi.

"Turkiston shaharlarini yevropalashtirish, albatta, juda uzoq vaqt talab etadi. Shuningdek, dunyoning barcha shaharlarini bir turdagi madaniyat ko'rinishiga almashtirishning zarurati yo'q. Bu iqlim va kundalik xususiyatlarga ziddir". [8,280]

Yuqoridagi fikrlari bilan yuksak aql-zako egasi V.V.Bartold insoniyat tomonidan yaratilgan moddiy madaniyat merosiga munosib hurmat ko'rsatish va yodgorliklarga nisbatan ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga chorlaydi. Bundan tashqari olim qadimiy shaharlarni yevropalashtirish bir qator salbiy oqibatlariga sabab bo'lishi mumkinligini ta'kidlaydi. Shu bilan birga V.V.Bartold o'z qarashlarini har tomonlama asoslashga harakat qiladi.

"Yangicha hayot maqsadlari yo'lida qadimgi shaharlarning eski joylariga yangi binolar qurishdan ko'ra, shaharning erkin hududlariga yangi turdagi o'ziga xos binolarni qurish mumkin. Umuman olganda o'tmish yodgorliklarini himoya qilish manfaati ko'pchilikka yuzaki bo'lib ko'rinmoqda". [8,281]

Jumlada keltirilgan so'zlardan ma'lum bo'ladiki, olim Buxoro yodgorliklari taqdiriga o'zining ijobiy munosabatini bildiradi. Shu bilan birga V.V.Bartold Buxoro yodgorliklarini asrab qolish masalasining bir necha yechimini ham berib o'tgan.

V.V.Bartold mazkur masalada o'z qarashlarini jahon tajribasidan misol keltirish orqali asoslashga harakat qiladi.

“Shahar xarobalari tozalangach, o'rniga qayta qurish shart emas. Ilmiy doira vakillari tarixiy binolarni o'rganishi, arxeologik tadqiqotlar olib borishi uchun shaharning qadimiy qismini saqlab qolish zarur. Hatto qadimiy Rimda ham ilmiy o'rganishlar vaarxeologik tadqiqotlar olib borish uchun maxsus joylar ajratilgan”[8,281]

O'rta Osiyo shaharlarini o'rganish maqsadida XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida rus hukmron doiralarning maxsus buyrug'i bilan ekspeditsiyalari tashkil qilinadi. Ammo, bu tashriflarning barchasi ham shaharlar tarixini xolisona tadqiq etish maqsadida bo'lmagan (maxfiy, siyosiy maqsadlarda ham ekspeditsiyalar tashkil etilgan). Ayni o'sha davr tadqiqotchilaridan bo'lmish V.V.Bartold esa qadimiy shaharlar tarixi bo'yicha ma'lumotlar jamlash va ularni tadqiqotlariga kiritishda xolisona yondashib, tadqiqot obyektlari holatiga o'z munosabatini ham bildirib borgan sharqshunoslardan hisoblanadi.

Tahlillar natijasida xulosa qilishimiz mumkinki, Akademik V.V.Bartold Buxoro yodgorliklarining izsiz yo'qotilishiga nisbatan rus siyosiy vakillari tomonidan ilgari surilgan g'oyalarni qoralaydi.

V.V.Bartold Buxoro yodgorliklarini saqlab qolish va ularni o'rganib ilmiy tahlil qilish kerakligini har tomonlama asoslashga harakat qiladi. Bu borada jahon tajribasidan ham misollar keltiradi. Shuningdek, V.V.Bartold Buxoro yodgorliklarni asrab qolish borasida bir necha yechimlarni ham ko'rsatib o'tgan.

Masalan:

-yangi Yevropa turidagi binolarni qadimiy binolar o'rnida emas balki, shaharning erkin hududlarida qurish mumkinligini aytadi;

-dunyoning barcha shaharlarini bir turdagi madaniy ko'rinishga keltirishning zaruriy emasligini, va bu tabiiy iqlim xususiyatlariga zidligini ta'kidlaydi

- shaharning qadimiy inshootlari ko'p joylashgan qismini ilmiy tadqiqotlar olib borish uchun saqlash zarurligini bildiradi

Akademik V.V.Bartold XX asr boshlaridagi murakkab siyosiy vaziyatda Buxoroda tadqiqotlar olib borib, yodgorliklarning taqdiriga nisbatan shaxsiy jonkuyarlik va keng dunyoqarash yo'sinida munosabat bildirgan. Buning uchun sharqshunos olim, V.V.Bartold dan minnatdor bo'lishimiz lozim.

XX asr boshlaridagi rus bosqinidan katta talofat ko'rgan Buxoro

yodgorliklarining holatiga munosabat bildirgan V.V.Bartoldning qarashlariga hamohang tarzda o'z oldimiozga quyidagi maqsad vazifalarni belgilab oldik:

- a) Buxoro yodgorliklarini doimiy tadqiq etib borish;
- b) ta'mirtalab yodgorliklarning asl qiyofasini tiklash;
- d) mavjud yodgorliklarni o'z holatida saqlab qolish;
- e) yodgorliklar muhofazasini tizimli tashkil etish;

Mustaqillik sharofati bilan qadimiy Buxoro yodgorliklari aksariyatining tarixiy qiyofasi qayta tiklandi. Shunday bo'lishiga qaramasdan yuqorida biz belgilab olgan maqsad hamda vazifalar o'zining dolzarb ahamiyatini saqlab qolaveradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abu Rayhon Beruniy. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. Tanlangan asarlar. 1-jild. – Toshkent: Fan, 1968.

2. Asqarov A.A. Buxoroning ibtidoiy davr tarixidan lavhalar. – Toshkent, 1973.

3. Аминов Ф.М. Бухара и русское востоковедение // Молодой ученый, 2015. – С.652. -URL <https://moluch.ru/archive/102/23368/> (дата обращения: 10.07.2019).

4. Бухоро Шарқ дурдонаси/ Муаллифлар жамоаси.—Тошкент: Шарқ,1997.

5. Бартольд В.В. Соч. -Т.II, -Ч.1.—Москва, 1963.

6. Бартольд В.В. Бухара. Соч. -Т.III.—Москва, 1965.

7. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т.I.—Москва, 1963.

8. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба. Соч.-Т.IV.—Москва, 1966. –С.280-281.

9. Бартольд В.В. Зеравшан. Соч. -Т.III. —Москва, 1965.

10. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.IV.—Москва, 1966.

11. Вамбери А. «История Бухары или Трансоксании» (перевод Павловского, СПб., 1873).

12. Eversmann E. Reise von Orenburg nach Buchar. Берлин, 1823. также Russian Missions into the interior of Asia, Лондон, 1823.

13. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. – Ташкент: Фан, 1984.

14. Наршахий. Бухоро тарихи. –Тошкент, 1991.

15. Некрасова Е.Г. О нескольких старых планах Бухары. В сб. Из истории культурного наследия Бухары. Вып.10.-Бухара. 2006.

16. Недвецкий А.Г., Правители Бухары. <http://greylib.align.ru/410/a-g-nedveckij-praviteli-buxary.html>

17. Қосимов Ф.Х. Бухоро тарихшунослиги. – Бухоро, 1996.
18. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент, 1982.
19. Сухарева О. А. Бухара XIX-начало XX в. – Москва: Наука, 1966.
20. Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – Москва, 1976.
21. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографический очерк). - Ташкент, 1958.
22. Тўраев Ҳ. Бухоро тарихининг илк ўзбекча таржимаси. Имом-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2015. 2-сон. – Б. 54-56.
23. Тўраев Ҳ. Маҳаллий ўлкашунослар илмий меросида тарихий топография ва меъморий обидалар. – Бухоро, 2019.
24. Hofiz Tanish Vuxoriy. Abdullanoma. I-II-kitoblar. – Toshkent, Sharq. 1999-2000.
25. Шубинский П.П., Очерки Бухары. СПб., 1892.
26. Ханьков. Н. В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МАДАНИЙ МЕРОС ВА “ИПАК ЙЎЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ БЕЛБОҒИ”

Эгамбердиева Гузал Акрамжановна,
Ўзбекистон Миллий Университети
Ўзбекистон тарихи факультети таянч докторанти

For citation: Egamberdiyeva Guzal. Cultural heritage and “economic belt of the Silk Road”. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 24-33.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-4>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

АННОТАЦИЯ

Водий пичоқлари бошқа пичоқчилик марказлари маҳсулотларидан ўзининг пичоқ тифи метали юқори сифати билан ҳам ажралиб турган [10,46]. Маълумки, минтақада ўрта асрларда тиф яшашда аъло навли пўлатнинг бир қанча навларидан фойдаланилганлиги маълум [11,122-123]. Хусусан, ўрта асрларда Фарғона водийсида олий навли пўлат олинганлигини далилий-ашёлар ҳам тасдиқлайди [12,67]. Фарғона водийси усталари бундай юқори маҳоратга металлга ишлов беришнинг ўзига хос услубини яратиш орқали эришганлар. Жумладан, Чуст пичоқчилари темирга узоқ вақт давомида паст ҳароратда ишлов беришлари боис юқори сифатли қора пўлат олганлар. Қора пўлат узоқ вақт тоблашни, бир неча бор суғоришни талаб этган. Шу сабаб қора пўлат узоқ вақт тобланган, бир неча бор секин совутилган ва пичоқ ясалиб, тифи бир неча бор суғорилган. Чуст усталари пичоқ тифини бундай тарзда совутишни “каптарбўйин суғориш” деб номлаганлар. Бундай усулда ясалган пичоқ жуда кескир бўлган. Шунингдек, Чустда яна “исфаҳоний”, “қурч”, “байза”, Шаҳрихонда “жавдари” каби пўлаттурларидан ҳам пичоқ ясалган [13,81-82].

Айнан пичоқ тифининг ўта кескир бўлиши Фарғона водийси, жумладан, Чуст пичоқларини узоқ ўлкаларда ҳам кенг танилишига сабабдир [14, 211-214].

Эътиборли томони водий пичоқчилари пичоқ тифини мустаҳкамлигини оширишга қаратилган ўзига усулни ҳам ишлаб чиққанлар. Чунки пўлатдан ясалган тифлар тез занглаш хусусиятига эга бўлган. Сабаби аъло навли пўлат бир жинсли металл бўлмай, одатда бир-неча хил металл аралашмасидан тайёрланиб, уни занглашдан фақат зоклаш техникаси сақлаган. Зок пўлатни нафақат мустаҳкамлаган, балки пўлат зоклангач металл сиртида ўзига хос “гул” юзага келган. Хусусан машҳур “исфахоний” пўлати зоклангач сиртида товланиб турувчи майда гул ҳосил қилган [15]. Пичоқчилар пўлатни сифатини зокдан кейинги сиртидаги металл гулига қараб аниқлаганлар [16]. Шу сабаб водийлик усталар пичоқ тифини тоғ минерали зок ёрдамида қорайтирганлар [17]. Тадқиқодчилар фикрига кўра бу усул чуствликларга қадимий Ахсикент мерос ўтган. Биламизки, ўрта асрларда Ахсикент ўз тифлари билан бутун Шарқда кенг танилган эди.

Афсуски минтақада кейинги асрларда аъло навли пўлат олиш деярли унитилган. Бунга тадқиқотчилар турлича фикр билдирганлар. Айрим тадқиқотчилар водийдаги аъло навли тифлар яшаш муғуллар босқини туфайли таназзулга юз тутган деб билдирадilar. Лекин водийда бу усулнинг барча аломатлари бизнингча бутунлай йўқолиб кетмаган. Сабаби XIX- аср охирида ҳамводий пичоқлари ташқи бозорда машҳур бўлиб, минтақа пичоқлари олий сифати билан ажралиб турган. Қолаверса водий пичоқчилигида бу усулнинг бир жиҳати яъни тифни зоклаш техникаси амалиётда давом этмоқда эди. Бунда зоклаш аввалгидек аъло навли пўлат учун зарур емирилишни олдини олиш, пўлатга хос металл гулини намаён этиш вазифасини бажармасада, оддий пўлатлар учун ҳам бирмунча мустаҳкамлик бахш эта олган. Водий пичоқчиларининг кейинги даврларда ҳам ҳалқимиз орасида машҳур бўлиб қолишларини сабабларидан ҳам бири шу бўлса ажаб эмас.

Демак пичоқчиликдаги зоклаш жараёнини масаласини чуқур ўрганиш орқали Фарғона водийси пичоқчилик анъаналари тарихи, ўрта асрларда аъло навли пўлат олиш, ундан маҳсулот тайёрлаш борасида ҳалқаро марказга айлана борганлигини аниқлашимиз имконини беради. Қолаверса хунармандчилигимизда Фарғона водийсига хос анъаналаримизнинг кейинги даврдаги тараққиёти хақида бир қадар тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Пичоқ тузилишидаги муҳим қисми унинг сописи ҳисобланган. Марказий Осиёда асосан ёғочдан ёрма ва шохдан суқма сопли пи-

чоқлар ясалган. Одатда водий пичоқчилари суқма сопли пичоқлари билан танилганлар. Фақатгина бу анъаналар сўнгги даврларда зарур хом-ашё камайиши, пичоқчилик анъаналарини ўзариши туфайли йўқола бошлаган [18].

Фарғона водийси пичоқчилик марказларининг этнолокал жиҳатлари Фарғона водийси пичоқлари сописининг ўзига хос ясашида ҳам намоён бўлади. Чунончи, жанубий пичоқчилик марказларида пичоқ сопи нозикроқ, гулибанд, пошна қисмларига нақш берилмаган, кўпинча пируза элментисиз шаклда тайёрланган. Аксинча, Фарғона водийси пичоқчилик марказларида пичоқ сопи бирмунча мустаҳкамроқ, пичоқ гулибандига ўзига хос “тагинишон” нақши билан безатилиб, соподаги ўзак михлар атрофини “чилмиха” михчалари билан мустаҳкамланиб ва сопга албатта пируза халқасини ўрнатилиб тайёрланган[19]. Айниқса бу жиҳат водийдаги Қора-су пичоқчилик марказида ривож топган. Қора-Суда усталар пичоқ сопига қизил, кўк, сариқ рангли локдан, Шаҳрихонда эса “захармура” номли дарёдан олинадиган кўк рангли қимматбаҳо тошдан “кўз” ўрнатганлар[20]. Сўнг улар оралиғига оқ симдан мих қоқилган. Ҳар шундай гул атрофида чилмиха пармада қирқта майда тешик очиб, сариқ мис симдан қоқилиб “чилмихагул” усулида нашқлаган. Пичоқчи Бакиржон Асқаров бу безакни нусхаси инсон кўзи ва уни киприклари нусхасидан кўчирилганлигини таъкидлайди [21].

Фарғона водийси пичоқчилик марказларининг этнолокал жиҳатлари тармоқ асбоблари мисолида ҳам намоён бўлади. Масалан, Чуст усталари пичоқ гулбандини ўзига хос тайёрлаш учун ўзига хос морпо (илон пўсти нусхаси) эговини, Қора-Су усталари пичоқ сопидаги “чилмиха”(40 та михли) нақшни тушириш учун чилмиха парма номли пармани ихтиро қилганлар. Улар ёрдамида шу мактаб усулига хос пичоқ турларини тайёрлаганлар [22].

Хуллас, Фарғона водийси пичоқчилик мактаби пичоқ тифининг, сопининг хусусиятларига кўра, Марказий Осиёнинг жанубий ва шимолий—ғарбий пичоқчилик мактабалари оралиғида шаклланган. Ушбу мактабларнинг энг яхши томонларини ўзига сингдирган ҳолда, шу минтақага хос анъанавий пичоқ шаклини вужудга келтирган.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси пичоқчилик мактаби пичоқ тайёрлаш билан боғлиқ ўзининг хилма-хил анъаналарига эга бўлиб, тармоқ тарихий тараққиёти хусусидаги изланишларни тўғри илмий ечимини минтақа пичоқчилиги тарихини янада батафсилроқ ўрганилишига, бошқа пичоқчилик мактаблари билан ўзаро алоқаларини аниқроқ очиб беришга, айнан ушбу ҳудудга хос бой анъана-

ларни изчил тадқиқи этилишига, бир сўз билан айтганда ҳалқимиз моддий маданияти тарихини янада тўлароқ тадқиқ қилинишига имкон беради.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Дубов А.И. Производство традиционных ножей в некоторых районах Средней Азии // Полевые исследования института этнографии. — Москва: 1975. — С.99.; Сверчков Л.М., Папахристу О.А. Традиции мастеров-ножещиков Средней Азии. // ОНУ 1990 г. №7. — С. 46.

2. Массон М.Е. К истории добычи меди в Средней Азии - М.Л.: 1936. Дисс. канд. ист. наук. — Москва, 1985. — С.89

3. Папахристу О.А. Черная металлургия Северной Ферганы. (По материалам археологического исследования города Ахсикента IX- в начале XIII в) — Москва, 1985. — С.34

4. Вамбери А. Путешствие по Средней Азии. СПб. 1865. — С.113-114; 214.

5. Марказий Осиё пичоқларининг тузилишидаги ўзига хосликлар ҳақида қаранг: Дубов И.А. Производства традиционных ножей в некоторых районах Средней Азии // Полевые исследования института этнографии. 1974 года. - Москва, 1975. — С.99.

6. Платонова .Н.А. Антропологические исследования в Средней Азии // “Новое в этнографических и антропологических исследованиях”. Итоги полевых работ Института этнографии в 1972 г. — С.78.

7. Иброҳимов С. Фарғона водийси шеваларининг касб-хунар лексикаси. — Тошкент, 1959. — Б.110-115.

8. Изоҳ: Чуст пичоғидаги қашғарча бичми афтидан уйғур пичоқчилиги мактабидан ўзлаштирилган. Чунки водийдаги ўзбек ва тожиклар моддий маданиятининг айрим тармоқларида “қашғарча” деб номланувчи қатор элементлар шу тарзда ўзлаштирилган. Қаранг: Воронина В.Л. Старые жилые дома в Ферганы. // Архитектура СССР. — 1940. - № 3. — С.62. Ўша муаллиф. Узбекские народные жилища // СЭ. — 1949. - № 2. — С.70.

9. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. I. — Москва, 1963. — С. 218; 225; 295.

10. Сверчков Л.М., Папахристу О.А. Традиция мастеров-ножещиков Средней Азии // ОНУ. 1990. № 7. — с. 46.

11. Анасов. П.П. О булатах. // Собр. соч. — Москва, 1954. — С.122-123.

12. Папахристу О.А. Чёрная металлургия Северной Ферганы (По материалам археологического исследования городища Ахсикент IX- в начале XIII в) Автореф. канд. дисс. — Москва, 1985 // ОНУ 1997. №6 — С. 67.

13. Марғилонлик уста Абдужалил Мирзабоев “байза” пўлат ярим хисса пўлатга ,ярим хисса темирни ўзаро аралаштириб 10-11 соат ишлов берилса металда темирни ўндан бири қолгач олинишини билдиради// Қаранг Иброҳимов С.Фарғона водийси шеваларини касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. –Б.81-82.

14. Вамбери А. Путешествие пр Средней Азии.СПб., 1865. – С. 211-214.

15. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст шаҳри, 2017 йил.

16. Дала ёзувлари.Наманган вилояти Чуст шаҳри, 2016 йил.

17. Изоҳ:“Зок”-кўк кулранг тусли тоғ минерали бўлиб сув ёрдамида суюлтирилади. Водий тоғларида маҳаллий конлари мавжуд.

18. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст шаҳри, 2016 йил. (Изоҳ: Чустлик уста Абдураҳимов М. ни билдиришича катта ёшга кирган ва керакли қаттиқликка эга шоҳга эга чорвани камайиши бунга олиб келган).

19. Дала ёзувлари Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани Қора-Су шаҳри, 2017 йил.

20. Дала ёзувлари Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри, 2016 йил.

21. Дала ёзувлари Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани Қора-Су шаҳри, 2017 йил.

22. Дала ёзувлари Наманган вилояти Чуст шаҳри. 2015 й; Андижон вилояти, Тепакўрғон тумани, Қора-Су шаҳри, 2017 йил.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

1920-1930 YILLAR O'ZBEKISTON DAVRIY MATBUOTIDA KARIKATURALAR (GAZETALAR MISOLIDA)

Эшбекова Дилафрўз Тўйчиевна,
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

For citation: Eshbekova Dilafruz. Cartoons in the periodical press of Uzbekistan in 1920–1930 (in the example of newspapers). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 49-55.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-7>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Ўзлон қилинган сана 31 июнь, 2019

ANNOTATSIYA

Мақоллада 1920-1930 yillarda O'zbekiston davriy matbuotida karikaturalarning o'rni va roli haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, ijtimoiy siyosiy hayotning karikaturada aks ettirilgan masala va muammolariga to'xtalangan.

Kalit so'zlar: davriy matbuot, gazetalar, sovet hokimiyati, targ'ibot, tasviriy san'at, karikatura, siyosiy karikatura, maishiy turmushga oid karikatura.

КАРИКАТУРЫ В ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ УЗБЕКИСТАНА В 1920-1930 ГОДАХ (НА ПРИМЕРЕ ГАЗЕТ)

Эшбекова Дилафруз Туйчиевна,
базовый докторант Институт истории АН РУз

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются место и роль карикатур в периодической печати Узбекистана в 1920-1930-е годы. Также затрагиваются вопро-

сы и проблемы общественно политической жизни, которые отражены в карикатуре.

Ключевые слова: периодическая печать, газеты, советская власть, пропаганда, изобразительное искусство, карикатура, политическая карикатура, бытовая карикатура.

CARTOONS IN THE PERIODICAL PRESS OF UZBEKISTAN IN 1920–1930 (IN THE EXAMPLE OF NEWSPAPERS)

Eshbekova D.T.

Basic doctoral student of the Institute of History,
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

ANNOTATION

The article discusses the role of caricatures in the periodicals of Uzbekistan in the 1920–1930s. Questions and problems of social and political life, which were reflected in the caricature, are also illustrated.

Key words: periodicals, newspapers, Soviet power, propaganda, visual arts, caricature, political caricature, household caricature.

O'rganilayotgandavrdagazetadavriymatbuotningengasosiyvaqulayturibo'lib, ommaviyaxborotvositalariorasidabosho'rinniegallagan. Gazetaning chiqarilishi va tarqatilishi nisbatan oson va qulayligi, unda ijtimoiy hayot tezkor va har taraflama aks ettirilishi, uni qayta qayta o'qish, qo'ldan qo'lga o'tkazish, saqlab qo'yish mumkinligi, shuningdek, unga sovet hokimiyatining jamiyat hayotini boshqarish va o'zgartirish yo'lida muhim va asosiy axborot va targ'ibot vositasi sifatida murojaat etishi gazetalarning ommaga keng ta'sirini ta'minlagan omillardan bo'lgan. Sovet hokimiyatining qonun va qarorlari, jamiyat hayotini belgilovchi va yo'naltiruvchi dasturlari, ko'rsatmalarini, jamiyat a'zolariga belgilangan asosiy va kundalik vazifalarni, ularni og'ishmay bajarish uchun qo'llanma, maqbul deb topilmagan holatlarga tanbeh, ogohlantirishni o'zida ifoda etgan bu davr gazetalarning aholiga ta'siri katta bo'lgan. Ayniqsa, gazetalarda axborotni yetkazishning, ongga ta'sir etishning ancha qulay va samarali quroli sifatida vizual tasvir vositalaridan keng foydalanila boshlashi bu davriy matbuot turining ommabopligini oshirdi. Gazetalardagi shunday vizual tasvir turlaridan biri karikaturalar bo'lib, ularda davrning dolzarb masalalari, turmush muammolari tanqid, kinoya, kulgi vositasida ifodalanadigan o'tkir syujetlar ko'rinishida keng aholi ommasining e'tibori va qiziqishini uyg'otgan. O'z davrida matbuot masalalarini tadqiq etgan Ziyov Said 1918 yilda Samarqandda chiqarilgan "Mehnatkashlar tovushi"

gazetasimushtariylarnijalb etish uchun ko'p harakat qilganligi, "Tayoq" nomi bilan hajviy bo'limlar ochib, o'quvchilarining diqqat va e'tiborinio'ziga tortganligini ta'kidlaydi[2,71]. Bu davr gazetalarida alohida hajviy ruknlar, ularga ilova shaklida hajviy jurnallar tashkil etilgan. Masalan, 1924 yil iyun oyidan boshlab "Zarafshon" gazetasi tahririyati xodimlarining kuchi bilan 15 kunda bir marta chiqadigan "Mashrab" satirik jurnalini chiqara boshladi. Bu jurnalning dastlabki tiraji 2200 nusxa bo'ldi, keyinchalik 4 mingdan oshib ketdi. Bu jurnal "Zarafshon"ga ilova tariqasida chiqarilardi. Bundan tashqari "Zarafshon" gazetasida avvallari "Tayoq", so'ngra "Qopqon" satirik bo'limlari ham mavjud edi. Bu bo'limni A. Majidiy (Abutanbal), Bektosh (Shug'ul Xo'ja) boshqarardilar. "Qizil Sharq quyoshi" nomli Qizil Sharq zavodi ishchi va xizmatchilarining gazetasida "Qisqich" deb atalgan doimiy hajviy rukn mavjud edi. Bu ruknda turli mavzudagi karikaturalar berib borilgan[10]. Karikaturalar tarqatiladigan bosma shaklda O'zbekistondagi gazetalar sahifalaridan ham o'z o'rnini topdi, undan publististikaning ta'sirchan turlaridan biri sifatida keng foydalanildi.

Karikatura jahon hajviy jurnalistikasining ajralmas qismi sifatida u bilan bir vaqtda vujudga kelgan va taraqqiy etgan. Evropada nashr etilgan dastlabki hajviy nashrlardan o'rin olgan karikatura asarlarida o'sha davrning eng muhim masalalari aks etgan, taraqqiyparvar hajvchilar karikatura orqali hayotdagi zulm va zo'rovonlikka, qoloqlik va boshqa ijtimoiy illatlarga qarshi kurashgan edilar.

O'zbek karikaturachiligi o'tgan asrning yigirmanchi yillarida vujudga kelganligi ma'lum. Garchi karikaturaga xos bo'lgan ayrim ko'rinishlar qadimgi miniatyura san'ati asarlarida ham mavjud bo'lgan bo'lsa-da, karikaturaning bevosita shakllanishi hajviy nashrlarning vujudga kelishi bilan bog'liq bo'ldi. O'zbek karikaturachiligining vujudga kelishi va rivojlanishida "Mushtum" jurnalining birinchi karikaturachi rassomi I.Tulyaning xizmati katta bo'ldi. Shu bilan birlikda mazkur sohaning shakllanish va rivojlanishida "Mushtum" jurnalining asoschilaridan biri bo'lmish Abdulla Qodiriyning ham ta'siri sezilarli bo'lgan, buni o'sha davrda yaratilgan karikaturalarning mazmunidan, ularga milliy ruh singdirilganligidan ko'rish mumkin[4,282,283 284.]. 1923 yildan e'tiboran nashr etib kelinayotgan "Mushtum" jurnali karikatura rivojida muhim rol o'ynadi. Jurnal satirik grafikasi sohasida 1920 yillarda B.Lavrenev, L.Bure, S.Malt, V.Eremyan, M.Vorobeychikov faoliyat yuritdi. Keyinchalik ular safiga I.Ikromov, M.Hakimjonov singari milliy kadrlar qo'shildi[1,81].1920 1930 yillarda gazetalar ham sahifalaridan karikaturalarga o'rin ajratib, zimmasidagi vazifalarni bajarishda undan unumli foydalandi, ayni chog'da bu ijodiy faoliyat turi rivoji uchun o'ziga xos zamin bo'ldi. Karikatura voqelikni grafika vositalari bilan hajviy tarzda ifodalaydi. Ammo

1920-1930 yillarda san'atning barcha turlari qatorida karikaturalar ham asosan kommunistik partiya belgilagan tamoyillar asosida yaratildi va hukmron mafkuraga xizmat qildi.

O'zining tarixiy taraqqiyoti davomida "karikatura faqat tasviriy san'at janri bo'lib qolmasdan ijtimoiy ongga ta'sir etuvchi qurolga aylandi, jurnalistikaning original janri va bosma grafikaning ajralmas qismi bo'lib qoldi. Jurnalistika siyosiy va mafkuraviy kurashning muhim vositasi ekan, bu bizga jurnalistika va karikatura oldida turgan umumiy maqsad va vazifalar haqida gapirish imkonini beradi"[3,7;10] deb yozadi, Xamadax Mamdux o'zining shu mavzuga bag'ishlangan tadqiqot ishida. Karikaturani jurnalistika bilan bog'laydigan yana boshqa bir jihat mavjud. Karikatura dunyoda sodir bo'layotgan u yoki bu voqea bilan bog'liq dolzarb axborotning o'tkir qismini o'zida mujassam etadi[3, 7;10].

Karikatura tasviriy san'at turlaridan biri bo'lib, unda hayotdagi ayrim salbiy hodisa va ko'rinishlar, shaxslar hajviy yoki hazil tarzda rasmlar orqali tanqidiy tasvirlanadi[5,13]. Matbuot materiallarining o'zagini tashkil etuvchi publististikaning adabiyot va tasviriy san'at bilan ijodiy aloqasi, ularning imkoniyatlaridan o'ziga xos ravishda foydalanishi tufayli hajviy publististika rivoj topdi. Hajviy publististikaning asosiy janrlari bo'lgan feleton va pamfletdan tashqari "kichik janrlari" ham mavjud bo'lib, bular hajviy xabar, hajviy lavha, hajviy reportaj, hajviy hisobot, hajviy suhbat, hajviy maqola va boshqalardan iboratdir. Bundan tashqari, adabiyotning masal, parodiya, epigrama, hajviy she'r, hajviy hikoya kabi janrlari ham hajviy publististikaga yaqin turadi va davriy matbuot sahifalarida e'lon qilib boriladi[4, 282,283-284.]. Hajviy publististikada xalq og'zaki ijodiga mansub bo'lgan latifa, maqol va matallar, topishmoqlar, cho'pchaklar, loflar, askiya kabilardan ham keng foydalanilishi mumkin. U tasviriy san'at imkoniyatlaridan ham keng foydalanadi. Jumladan, u tasviriy san'atning jangovor, hozirjavob tarmog'i bo'lmish hajviy suratchilik - karikaturadan keng foydalanadi. Karikatura ham hajviy matbuotdan joy olib, uni to'ldiradi hamda hajviy publististikaning ajralmas tarkibiy qismiga aylanadi. Karikatura o'z navbatida hajviy portret, hajviy manzara, sharj - hazil (hazil surat) va boshqa ichki janrlarga bo'linadi[4,282; 283-284.].

Karikaturaning mazmuniga ko'ra turlari: siyosiy karikatura — jamiyat siyosiy hayotining turli tomonlarini, xalqaro munosabatlar, siyosiy vaziyat, saylovlar, siyosiy kurash va b.; maishiy turmushga oid karikatura — ijtimoiy muammolar: madaniy maishiy sharoitlar, savdo, bola tarbiyasi, avlodlar o'rtasidagi munosabat, fohishalik, narkomaniya, alkogolizm va b.; hajviy karikatura — o'tkir qarama qarshilik mavjud bo'lmagan kulgili vaziyatlar; sharj — muayyan usullar yordamida odam yuzini tasvirlashdan iborat[3,7;10].

Bu davr karikaturalarida sotsialistik tuzum talqinidagi tor manfaatparastlik – meshchanlik, “dushman” kategoriyasiga kiritilgan ijtimoiy va siyosiy guruhlar, alohida shaxslar, eski urf odatlar, shovinizm va boshqalar oʻtkir hajv, baʼzan haqoratlovchi vositalar bilan kulgiga olindi. Ruhoniylar, podsholik davri amaldorlari, boylar ilon, kalamush, quzgʻun, oʻrgimchak koʻrinishlarida ifodalangan. Masalan, “Kambagʻal dehqon” gazetasining 1926 yildagi 71 soni 5 betida “Qishloqning buzuqlari” sarlavhali maqola kontekstida chizilgan rasmda erga ishlov berayotgan dehqon salla oʻragan, boʻynida tasbehi bor kalamushga oʻxshagan maxluqqa bas bergandek qoʻl siltayotgani tasvirlangan va unga “Qozi pochcha bekorga vaysamang” degan tagsoʻz keltirilgan[7]. Gazetaning shu soni 6 betida esa “Mozor xalqning miyasini zaharlaydi” sarlavhasi ostida mozor oldida mulla qiyofasidagi bir kishi, bola koʻtargan, tugun tugib olgan toʻrt ayol, qoʻy etaklagan kishi tasvirlangan boʻlib, tasvirning mohiyati “Doʻxtirga borish oʻrniga mozorga” degan ilmoqli tagsoʻz vositasida ochib berilgan. “Sharq haqiqati” gazetasining 1928 yil 2 soni 3 betida birinchi lavhada tepilayotgan boy qiyofasidagi belbogʻli kishi tasviri “Aeroplan kerak boʻlmadi” izoh soʻzi bilan, ikkinchi lavhada quvilayotgan eshon qiyofasidagi salla va hassali kishi tasviri “Endi sizga ham navbat keldi” izoh soʻzi bilan keltirilgan[8]. Bu karikatura keltirilgan sahifada mavzuga muvofiq tarzda rayon firqa tashkilotlarini tozalash, boy va eshonlarning aksilinqilobiy harakatlari haqidagi maqola xabarlar ham joylashtirilgan. “Inqilob quyoshi” gazetasining 1928 yil 55 soni 4 betida “Tepki” sarlavhasi ostida kambagʻal koʻrinishidagi odam tepib yuborayotgan boy va eshon qatorida “bosmachi” qiyofasi gavdalangan[6]. Karikaturalar mazmuni va taʼsirchanligi rasm ostidagi izohlar, gazetada ular bilan hamohang berilgan maqola va xabarlar bilan kuchaytirilgan. Oʻz navbatida karikatura tanqid ostiga olingan masalalarning eng oʻtkir qismini oʻzida hajviy tarzda ifodalagan. 1925-1941 yillar davriy matbuotida sovet davlatining “aksilinqilobiy dushmanlari” fotosuratlarida deyarli aks etmagan. Boshqa turdagi jinoyatchilik uchun javobgarlar surati uchraydi. “Dushmanlarni” butun salbiy qiyofalarda aks ettirish davriy matbuotdagi tasvirlar orasida asosan karikaturaga yuklanganini kuzatish mumkin. Masalan, davriy matbuot sahifalarida karikaturaning portret janrida sovet davlatining tashqi siyosatdagi maʼqul topmagan xorij siyosatchilari hajviy suratlari kuzatiladi[13].

Shuningdek, gazetalardagi karikaturalarda davrning tashqi siyosat masalalari sovet davlatining unga munosabati nuqtai nazaridan turib oʻz ifodasini topgan. “Kambagʻal dehqon” gazetasining 1926 yildagi 71 soni 1 betidagi rasmda evropalik amaldorlar koʻrinishidagi ikki kishi bir birlari bilan doʻstona qiyofada qoʻl siqishib turishibdi. Ammo ikkovining ham ortida qurol yarogʻ toʻplab qoʻyilgan. Karikaturaning tagsoʻzida “Qurolsizlanishmi yoki qurollanishmi?” soʻrogʻi yozilgan[7]. Xuddi shu mavzuda “Sharq haqiqati” gazetasining 1928

yil 7 sonida “Fransiya qurolsizlanadi” sarlavhasi ostida “13 yilda askari 413 ming bo’lsa, hozir bir milliondan oshib ketdi” – deb yozilgan va muvofiq ravishda 1913 yil ustuniga kichik gavdali harbiy askar, 1927 yil ro’parasiga yirik gavdali askar tasvirlangan[9]. Tashqi siyosatdan xabar beruvchi har ikkala karikatura mohiyati ularga tegishli sarlavha va tagso’zlardan anglanadi. Hatto Fransiya borasidagi rasm karikatura ekanligini uning sarlavhasi bilan teskari ma’noda ekanligiga e’tibor qilgandagina bilish mumkin. Sarlavhasi bilan teskari ma’nosi bo’lmaganda u oddiy raqamli fakt bo’lib tuyuladi. Bu karikaturalarda o’sha vaqtlarda evropaning yirik davlatlari olib borgan qurollanish siyosati va bu borada sovet davlatining qarashlari o’z ifodasini topgan. Yirik davlatlarda turli kelishuv va bitimlarga qaramay qurollanish ortib borayotganligi haqidagi ma’lumotlar davriy matbuotdagi yirik maqolalarda, xabarlarda berib borilsada, karikatura bu o’rinda kishilarga qo’shimcha ma’lumot berish va ularda masalaga ta’sirchan yondashuvni uyg’otishga qaratilgan.

Karikaturalarda ishlab chiqarishda e’lon qilingan safarbarlik kampaniyalari doirasida mehnatning turli jabhalaridagi kamchilik va nuqsonlar hajvga olingan. “Qizil O’zbekiston” gazetasining 1932 yil 50 sonida Buxoro MTSlarining bahorgi harakatlarni boshlamaganligi tanqid qilingan gazetaning o’z muxbirlari va brigadalari yuborgan xabar va maqolalardan so’ng traktor qismlarini yaxshi tushunmaydigan bilimsiz mexanik hajvga olingan karikatura keltirilgan[11].

Shuningdek, karikaturalarda odamlardagi nuqson va kamchiliklar jamiyat talablarini o’zida ifodalagan holda aks ettirilgan. “Qizil Sharq quyoshi” gazetasida uyquchi, aroqxo’r, byurokratning ortidan ruchka perosi tirab kelmoqda. Ishchining baquvvat qo’llari qandaydir mexanik o’roq bilan boshliqni qo’rqitib yuborgan. Buni ko’rib ortidan ruchka perosi tirilib kelayotganlar qo’rquv va sarosimada qolgan[10]. Bu manzara jamiyatdagi kamchiliklarni keskin tanqid qilish, ayovsiz ochib tashlash, buning uchun maxsus tashkil etilgan korxonalar va tashkilotlarda ishchi nazorati, nazorat komissiyalari va ishchi brigadalarining reydlariga qo’yilgan talablarni ifoda etadi. 1933 yilda “Qizil O’zbekiston” gazetasining idorasi tomonidan mas’ul ishchilarning yangi alifbedagi savodini tekshirish uchun chiqarilgan brigadalar, ular o’rtasida anchasining yangi alifbeda butunlay savodsizligini ma’lum qiladi. “Qizil O’zbekiston” gazetasida “Eski, arab imlosining ob’ektiv suyanchiqlari” nomli butun bir sahifani egallagan taftish bayonida respublikaning yangi lotin imlosini o’rganmagan, undan hamon foydalanayotgan mas’ul xodimlardan bir nechasi eski arab alifbesining, islom dinining suyanchiqlari sifatida tanqid qilinadi. Gazetaning shu sahifasida mavzuga muvofiq ikkita karikatura ham berilib, ularning birida masjidning azon aytiladigan tuynugidan sallali kishi afsonalardagi jin singari ko’tarilib chiqib, “Islomning suyanchiqlari” deb yozilgan arab harflaridan ilgak ko’rinishida foydalanib, mas’ul xodim qiyofasidagi papka ko’targan kishini ortidan ilib tortmoqda.

Ikkinchi karikaturada esa “Yashasin yangi alifbe!?” deb xitob qilayotgan ma’ruzachi arab harflari bilan “Doklad uchun tezis” deb yozilgan qog’ozidan foydalanmoqda[12]. Din ta’qib etilgan va diniy ulamolar dushman deb talqin etilgan sharoitda arab imlosiga va undan foydalanishda davom etayotganlarga din bilan bog’lab salbiy tavsif berilgan.

Sovet davrida karikaturalar yaqqol ifodalangan ko’rsatma beruvchi va tarbiyaviy xarakter kasb etgan, ularda kommunistik hayot tarzi targ’ib etilgan, sovet ittifoqiga “dushman” deb hisoblangan ijtimoiy, siyosiy guruhlar va alohida shaxslarni hamda g’arbiy davlatlar kapitalistik tuzumini qoralashning quroli bo’lgan. Karikaturalar o’quvchilarning keng doirasiga, shuningdek savodsiz kishilarga ham tushinishi uchun qulay ekanligi, uning bir xil shriftdagi uzun bosma so’zdan farqli ravishda fikrni, axborotni tasvir vositasida aniq va lo’nda ifodalashi bu janrning aholi orasida mashhur bo’lishini ta’minlagan. Sovet hokimiyati esa karikaturaning imkoniyatlaridan davriy matbuot sahifalari orqali samarali foydalanishga harakat qildi. 1920 1930 yillar O’zbekiston gazetalari sahifalaridagi karikaturalar o’zida kommunistik partiya jamiyat oldiga qo’ygan talablar va yo’l yo’riqlarning mazmunini, partiyaning respublikadagi, xalqaro maydondagi voqelikning turli jihatlariga munosabatini, bu voqelik lavhalarining partiya ko’rishni istayotgan shakllarini ifoda etgan va targ’ib qilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. АбдурахимовБ. СоциодинамикахудожественнойкультурыУзбекистана: XXвек. Дисс. ... доктораискусствоведения. –Ташкент, 2000. –С.81.
2. Said Ziyo. Tanlangan asarlar. (To’plovchi Sh. Turdiev). O’zbek vaqtli matbuoti tarixiga materiallar (1870-1927). – Tashkent: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1974. –B.71.
3. ХамадахМамдух. Карикатуравпериодическойпечати. Автореф. дисс. канд.филолог.наук. – Минск,1994. –С.7,10.
4. Худойқулов М. Журналистика va publististika. Qayta ishlangan va to’ldirilgan nashri. – Toshkent: Tafakkur, 2011. –B. 282,283 284.
5. Hasanov R. Tasviriy san’at asoslari. Toshkent. G’ofur G’ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi. 2009. –B.13.
6. “Inqilob quyoshi” gazetasi. 1928 yil 30 sentyabr. № 55.
7. “Kambag’al dehqon” gazetasi, 1926 yil 17 sentyabr. № 71.
8. “Sharq haqiqati” gazetasi, 1928 yil 14 dekabr. № 2.
9. “Sharq haqiqati” gazetasi, 1928 yil 28 dekabr, № 7.
10. “Qizil Sharqquyoshi”. 1932 yil 7 noyabr. № 20 (100).
11. “Qizil O’zbekiston” gazetasi. 1932 yil 1 mart. № 50 (2149).
12. “Qizil O’zbekiston” gazetasi. 1933 yil 24 mart. № 69 (2568).
13. “Qizil O’zbekiston” gazetasi. 1936 yil 23 mart.№ 68 (3536).

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ РАЎБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Юлдашев Авазбек Арипжонович,
Наманган муҳандислик-технология институти Кенгаш котиби

For citation: Yuldashev Avazbek. Modernization of training of leading managers in the public administration system in Uzbekistan. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 7, pp. 56-61.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-7-8>

Келиб тушган сана 5 апрель, 2019
Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган раўбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизими ҳамда соҳани ислоҳ этиш жараёнлари ёритилган. Ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида раўбар кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “Ҳаракатлар стратегияси”, “Электрон ҳукумат”, давлат хизматлари, давлат бошқаруви, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти, раўбар кадрлар тайёрлаш.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ПОДГОТОВКИ РУКОВОДЯЩИХ КАДРОВ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Юлдашев Авазбек Арипжонович,
ученый секретарь Совета Наманган инженерного
технологических института

АННОТАЦИЯ

В статье проанализирована система создания в Республике Узбекистан вопрос подготовки и переподготовки руководящих кадров, а также изучен процесс реформирования в данной отрасли. В результате проведенных исследований, проанализированы изменения в процессе подготовки руководящих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Ключевые слова: “Стратегия действий”, “Электронное правительство”, государственные службы, государственное управление, верховенство закона, гражданское общество, подготовка руководящих кадров.

MODERNIZATION OF TRAINING OF LEADING MANAGERS IN THE PUBLIC ADMINISTRATION SYSTEM IN UZBEKISTAN

Yuldashev A.A.

science secretary Namangan institute of engineering and technology

ANNOTATION

The article describes the essence of reforming the system, its purpose and content, as well as the training, personal retraining which serves to build a democratic state, develop a free civil society, enhancing the country's economic potential. As a result of the reforms, the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan the changes in the training process was analyzed.

Key words: Action strategy, e-government, government services, public administration, priority of rule, civil society, leadership training.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократлаштириш, қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодийтни либераллаштириш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида бир қатор истиқболли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”-нинг биринчи йўналиши Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” ти-

зимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари родини кучайтириш каби устувор вазифалар белгиланди [1,25-26]. Ушбу устувор вазифалар ҳамда янги ислохотларни самарали амалиётга жорий этишда раҳбар кадрларнинг салоҳияти ва малака даражаси муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, ислохотларни тўла ҳаётга татбиқ этиб, кутилгандек ижобий натижаларга эришиш учун ислохотларнинг туб моҳиятини тушунадиган, ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни масъулият билан адо этадиган фидойи кадрлар жамоаси талаб этилади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш” [2] бўйича тегишли ташкилотларга бир қатор вазифаларни белгилаб берилди.

Мамлакат ҳаётида юз бераётган ҳар бир воқелик ва ўзгаришлар инсон тафаккури ҳамда ҳаётга таъсир этиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш ва ислохотларни чуқур таҳлил қила оладиган, янгича фикр юритиб, ҳар жиҳатдан етук, ташаббускор, давлат ва жамият манфаатларига жавоб берадиган ҳамда эл-юрт келажагига бефарқ бўлмаган билимли ва фидойи раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва захирасини яратиш давр талаби бўлмоқда. Шу боисдан, барча соҳалардаги раҳбар ва бошқарув кадрларнинг билим ва кўникмаларини замон талабаларига мос равишда оширмасдан, уларга алоқадор бўлган сиёсий институт ва жамоат бирлашмаларнинг фаолияти, кадрлар тайёрлаш йўналиши ва услубларини ислоҳ қилмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ислохотларнинг моҳиятини, аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммолари, эҳтиёжларини чуқур англаб, катта ва кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт хизматиغا муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин” [3,64]. Шундай раҳбар сифатида Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизда президентлик лавозимига сайланиши ҳамда халқчил ислохотларни амалга ошириши давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

Бугунги кунда Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади демократик давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган бўлиб, буларнинг туб моҳиятида инсон манфаатларига хизмат қилиш ва уни улуғлаш, одамларни бой қилиш орқали давлатимиз қудратини ошириш, шу билан бирга, халқ билан мунтазам мулоқот қилиб, бамаслаҳат иш тутудиган давлат бошқарув тизимига ўтиш ётади. Зеро, ҳақли равишда таъкидланганидек “... халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди” [4, 56].

Ҳар бир соҳага тегишли қабул қилинган қарор ва фармонлар бошқарув тизимида барча раҳбар органлар, хусусан, ҳудудлардаги ҳокимлар, прокуратура, ички ишлар органлари раҳбарларини халқ олдида ҳисобот бериш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонун устуворлигини таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши, аҳоли учун сифатли ва қулай давлат хизматлар тақдим этилишига қараб уларнинг фаолиятига баҳо бериш тамойиллари ишлаб чиқилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши соҳасига тааллуқли бўлган 17 та қонунларни қайта ишлаб чиқиб қабул қилиш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирда амалда бўлган давлат хизматларни тартибга солувчи ҳужжатлар бугунги давр талабларига тўла жавоб бермайди. Қатор вазифаларни қамраб олмаган ҳамда ягона ҳуқуқий стандартлар, маъмурий ва бошқарув амалиётларини аниқлаб бермайди.

Шу билан бирга ахборот коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этаётган даврда ушбу соҳадаги ҳуқуқий асослар “Электрон ҳуқумат”, давлат хизмати ва хизматчилар малакасига боғлиқ бўлган маъмурий жараён ва давлат хизматлари спектри ривожланишидан ортда қолмоқда. [5, 43]

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: “Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазифани мутлақо уддаламаяпти, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта кўриб чиқиш лозим” [6] — дея эътироз билдириб, мутасадди раҳбарлар олдида соҳани ислоҳ этиш бўйича вазифалар белгилаб бериши асослидир.

Шу боисдан, раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳага замон талабларига мос ва хос бўлган технологияларни жорий этиш мақсадида 2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сонли Фармони қабул қилинди. Унга кўра, Давлат бошқарув академиясининг асосий иш фаолияти ва вазифалари, кадрлар тайёрлаш тизими ва услублари ислоҳ этилди.

Ушбу фармонда Академия олдига давлат бошқарувини ташкил этиш, бошқарувнинг ҳуқуқий асослари ва замонавий усуллари, бозор иқтисодиёти, психология, ахборот-коммуникация ва “Электрон ҳукумат” соҳаларида мустаҳкам билимларни эгаллашлари, шунингдек, таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалаларнинг мақбул ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланди.

Шу асосда Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари, хусусан, магистратуранинг икки йиллик таълим дастури бўйича грант ва тўлов-контракти асосида тайёрлаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида давомийлиги бир йилгача бўлган дастурлар бўйича қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида уч йилда бир марта давомийлиги бир ойгача бўлган қисқа муддатли малака ошириш тартиботлари амалиётга жорий этилмоқда.

Бошқарувнинг маънавий асоси, тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, ҳудудий бошқарув ва ҳудудни ривожлантиришни стратегик режалаштириш, инновацион менежмент, раҳбар ахлоқи ва бошқарув маданияти, дипломатик протокол ва этикет, нотиклик маҳорати каби жами 16 та янги фан қўшилиб, амалиёт машғулоти 70 фоизгача кўпайтирилди [7].

Академия ректори Р.Касимовнинг маълумотига кўра, 2017/2018 ўқув йилида Давлат бошқарув академиясига тингловчиларни танлаб олиш жараёни Москва давлат университетининг профессори, психология фанлари доктори Базаров Тохир Юсуповичнинг ёрдами билан хорижий тажрибаларга мос ёндашув асосида ташкил этилган [8, 44] .

Бугунги давр давлат хизматчилари ва раҳбарлари олдига янги талаблар қўяр экан, шунга монанд малакали ва салоҳиятли раҳбар

кадрларни танлаш ва тайёрлаш масалалари муҳим масала бўлиб қолаверади. Мамлакатимизда ушбу масалани муваффақиятли ҳал этилиши давлатимиз равнақи ва жамиятимиз ривожига йўлида стратегик мақсадларни белгилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасиниянадаривожлантиришбўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. — Б.25-26.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентига Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>

3. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент, 9-том. — Б.64.

4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. — Б.56.

5. Касимов Р. Государственная кадровая политика Узбекистана и роль АГУ в подготовке государственных служащих // Жамият ва бошқарув, 2018 йил. №1. — Б.43.

6. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. № 247 (6682), 2016 йил 15 декабрь.

7. Тожиева З. Бошқарув кадрларини тайёрлаш — долзарб масала // “Biznes Daily”. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/56109--boshqaruv-kadrlarini-tayyorlash-dolzarb-masala>

8. Касимов Р. Государственная кадровая политика Узбекистана и роль АГУ в подготовке государственных служащих // Жамият ва бошқарув, 2018 йил. №1. — Б.44.



ISSN 2181-9599
DoiJournal 10.26739/2181-9599

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР

№7 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000